

Ҳабашистонлик гуруҳнинг Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиши



16:16 / 23.12.2017 3454

Муҳаммад ибн Исҳоқнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ҳақидаги китобида қуйидагилар келтирилади:

«Сўнгра Маккада турганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига йигирматача насоролар келишди. У кишининг хабарларини Ҳабашистонда эшитишган эди. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни масжидда топиб, гаплашишди, у зотга саволлар беришди.

Қурайш одамлари эса Каъба атрофидаги ўз суҳбатхоналарида эдилар. Насоролар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзларини қизиқтирган нарсаларини сўраб бўлганларидан кейин у зот уларни Аллоҳга даъват қилдилар ва Қуръон тиловат қилиб бердилар. Улар Қуръон тинглаганларида кўзларидан дув-дув ёш тўқдилар. Сўнгра Аллоҳнинг даъватига истижобат этиб, унга иймон келтириб, тасдиқ қилдилар. Насоролар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламда ўз китобларида васф қилинган сифатларни кўрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидан қайтиб кетаётганларида бир гуруҳ қурайшликлар билан бирга Абу Жаҳл ибн Ҳишом уларнинг йўлларини тўсиб чиқиб:

«Аллоҳ додингларни берсин! Ўз динингиз аҳли сизни бу томон юборса, энди уларга бу одамнинг хабарини олиб борасизларми?! Бирпас унинг

олдида ўтириб, динингизни тарк этиб, уни тасдиқладингизми?! Сиздан кўра аҳмоқроқ гуруҳни кўрмаган эдик!» дедилар.

Шунда улар қурайшликларга:

«Омон бўлинглар. Биз сизларга ўхшаб жоҳиллик қилмаймиз. Бизга ўзимиз, сизга ўзингиз ихтиёр қилган нарса бўлсин. Ўзимизга яхшилик етишида нуқсонга йўл қўйганимиз йўқ!», дедилар».

Илгари китоб берилганларнинг бу шаклда иймон келтирганлари Қуръоннинг ҳақ Китоб эканлигига яна бир далилдир. Қуръон ўқилганда улар ўзларини мушриклар каби тутмайдилар, балки тамоман бошқача тутадилар.

Ўша ҳодисадан кейин Аллоҳ таоло қуйидаги оятларини нозил қилди:

«Биз ундан (Қуръондан) аввал китоб берганлар - улар унга иймон келтирурлар. Уларга тиловат қилинганда: «Унга иймон келтирдик. Албатта, у Роббимиздан (келган) ҳақдир. Албатта, биз бундан олдин ҳам мусулмон эдик», дедилар. Ана ўшаларнинг ажрлари сабр қилганлари учун икки марта берилур. (Улар) яхшилик ила ёмонликни дафъ қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсадан нафақа қилурлар. Қачонки беҳуда нарса эшитсалар, ундан юз ўгириб: «Бизга ўз амалларимиз, сизга ўз амалларингиз. Омон бўлинглар. Биз жоҳилларни истамасмиз», дерлар». («Қосас» сураси, 55-56-оятлар).

Кейинчалик Нажошийнинг ўзи ҳам иймон келтириб, мусулмон бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларидан муҳожирлик ҳолидаги муслималардан бирларига совчилик қилди. Нажоший вафот этганида Жибрийл алайҳиссалом хабар келтирди ва Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ғойибона жаноза намози ўқидилар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)